

111 - الثَّانِي عَشْرَ: عَنْ أَبِي فِرَاسٍ رَبِيعَةَ بْنِ كَعْبِ الْأَسْلَمِيِّ حَادِمَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمِنْ أَهْلِ الصُّفَّةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ قَالَ: «كُنْتُ أَبِيَتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَآتَيْهِ بِوَضُوئِهِ وَحَاجَتِهِ، فَقَالَ: «سَلْنِي» فَقُلْتُ: أَسْأَلُكَ مُرَافَقَتَكَ فِي الْجَنَّةِ. فَقَالَ: «أَوْ غَيْرُ ذَلِكَ؟» فَلَمْ يُهُوَ ذَاكَ قَالَ: «فَأَعِنِّي عَلَى تَفْسِيكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [489].

111. Абу Фирас Рабийя ибн Каъб ал-Асламий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

(Бу киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ходимлари ҳамда аҳли суфналардан эдилар.)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаб қолар эдим. Бир куни у зотга таҳорат сувларини ва бошқа керакли нарсаларни олиб келган эдим, у зот менга: «Сўра», дедилар. «Жаннатда сиз билан ҳамроҳ бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқани эмасми?» дедилар. «Шунинг ўзини», дедим. У зот: «Унда кўп сажда қилиб, бунда менга ёрдамлашгин», дедилар».

*Ином Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Робийя ибн Каъб ал-Асламий розияллоху анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда кечаси бирга қолган эдилар. Ўшандаги зотнинг хизматларини ихлос билан қилиб таҳорат суви, мисвок ёки жойнамозга ўхшаш ҳожат тушадиган нарсаларни келтиргандар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишидан рози бўлиб, хоҳлаган нарсангни сўра, деганлар. Ана ўшандаги Робийя ибн Каъб ал-Асламий:

**«Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», деди.**

У киши жуда катта нарсани, умуман ҳаётнинг асосий муддаосини сўраган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг нияти жиддийлигини билиш учун:

**«Бундан бошқани эмасми?» дедилар».**

Лекин Робийъа розияллоху анҳу жиддий эдилар:

**«Шунинг ўзини», дедилар.**

**«Ундоқ бўлса, менга ўзинг учун кўп сажда ила ёрдам бер», дедилар**  
Сарвари олам соллаллоху алайҳи васаллам.

Бу Пайғамбаримизнинг, мен сенинг жаннатда рафиқим бўлишинг учун қўлимдан келган ҳаракатни қиласман, аммо ўзинг ҳам бу ишда менга ёрдам бер, менга ёрдам беришинг, саждани кўп қилиш билан бўлсин, деганлариdir.

Бундан жаннатга киришнинг энг асосий омиллари намоз ва ундаги саждалар экани билинади.

Ушбу ҳадис шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Аҳли фазл кишиларнинг хизматида бўлиш фазилатли иш экани.
2. Улуғ кишиларга таҳорат суви ва шунга ўхшаш ҳожатлари тушиб турадиган нарсаларни муҳайё қилиб туриш кичикларнинг вазифаси экани.
3. Аҳли фазл кишилар ўзларини рози қилган атбоъларига мурувват этиб туришлари.
4. Сўраганида охират саодатини сўраш кераклиги.
5. Бирор бир нарсани сўраганида: «Бундан бошқани эмасми?» деб сўраш жоизлиги.
6. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳам ўзлари бевосита, амал қилмаган одамнинг жаннатга киришига бўлишига сабаб бўлмасликлари.
7. Намознинг фазилати катта бўлиб, жаннатга кириш учун зарур амал экани.
8. Робийъа ибн Каъб розияллоху анҳунинг фазилатлари.

Демак, иложи борича кўп намоз ўқиб, саждани кўпайтиришимиз лозим. Ана шунда жаннатдан ва ундаги олий мартабалардан умидвор бўлсак ярашади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI